



**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRILIGI
BUYRÍGÍ**

14«iyul»2023 jil.

582-A/F-san

Nókis qalası

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил
27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил
17 июндаги Гимнастика спорт турларига тайёрлаш марказлари
фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги 249-сон қарори”
01/855-A/F-сон буйруғининг ижросини таъминлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 17 июндаги “Гимнастика спорт турларига тайёрлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 249-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 27 июндаги 01/855-A/F-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 17 июндаги “Гимнастика спорт турларига тайёрлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 249-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 27 июндаги 01/855-A/F-сон буйруғи ижро учун қабул қилинсин.

2. Қарор билан Гимнастика спорт турларига тайёрлаш марказларининг (бундан буён матнда Гимнастика марказлари деб юритилади) асосий вазибалари ҳамда Гимнастика марказлари фаолиятини молиялаштириш манбалари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг мазкур буйруғи билан:

а) Қуйидагилар:

Профессионал ва ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими (Ф.Турдиев), Молия-иқтисодиёт бўлими (Д.Убайдуллаев)га:

- жорий йилнинг 15 ноябрига қадар Гимнастика марказларининг бошқарув, инструктор-методистлар, тренерлар таркиби, педагог, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг штатлар жадвалини ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқилган штатлар жадвалини тасдиқлаш учун вазирлик раҳбариятига киритиш;

- штатлар жадвалини Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишиш вазибалари юклатилганлиги;

б) Профессионал ва ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлим (Ф.Турдиев)га:

- 2024 йил 15 апрелга қадар Гимнастика марказларининг намунавий устави лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун вазирлик раҳбариятига киритиш;

- ўқув-машғулотлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш учун вазирлик раҳбариятига киритиш;

- Гимнастика марказларига ўқувчиларни танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун Адлия вазирлигига киритиш;

- 2024/2025 ўқув йилига қадар Гимнастика марказларини очиқ мустақил танлов асосида замонавий педагогик технологияларни эгаллаган малакали педагог кадрлар ҳамда тренерлар билан тўлдириш чораларини кўриш;

- Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига Гимнастика марказлари ўқувчиларини ушбу марказларга яқин жойлашган умумий ўрта таълим мактабларида умумий ўрта таълим дастури бўйича ўқитишни ташкил этиш чораларини кўриш юзасидан тегишли таклифларни киритиш;

- Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси мутахассисларини жалб қилган ҳолда Гимнастика марказларида спортчиларни тайёрлаш сифати юзасидан доимий назоратни амалга ошириш;

- Гимнастика марказлари зарур ўқув-методик адабиётлар ҳамда спорт инвентарлари билан жиҳозлаш юзасидан таклифларни Давлат харидларини ташкил этиш бўлимига белгиланган тартибда тақдим этиш вазифалари юклатилганлиги;

в) Давлат харидларини ташкил этиш бўлими (С.Ахмадов)га Гимнастика марказларини спорт инвентарлари билан жиҳозлаш чораларини кўриш вазифаси юклатилганлиги;

г) Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (И.Турсуналиев)га:

- Гимнастика марказлари ўқувчилари учун зарур ўқув-методик адабиётларни яратиш, чоп этиш ҳамда етказиб бериш чораларини кўриш;

- ёшларни гимнастика билан қамраб олиш ва уларда бошланғич кўникмаларни шакллантириш мақсадида электрон қўлланмаларни тайёрлаш ҳамда тайёрланган электрон қўлланмаларни вазирликка тақдим этиш вазифалари юклатилганлиги;

д) Гимнастика марказларини замонавий ва халқаро талабларга мувофиқ ташкил этиш (бинолар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш) доирасида:

- “Ўзавтосаноат” АЖ – буюртмачи функциясини амалга ошириши;

- бош лойиҳа ва пудрат ташкилотлари белгиланган тартибда ўтказиладиган тендер (танлов) натижаларига кўра аниқланиши;

- “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан ажратиладиган ҳомийлик хайриялари молиялаштириш манбаи ҳисобланиши;

- объектларни қуриш ва фойдаланишга топшириш, жиҳозлаш ишлари 2024 йил 30 июлга қадар тўлиқ якунига етказилиши;

Бунда “Ўзавтосаноат” АЖ ҳомийлик маблағлари ҳисобидан мазкур объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши ва қурилиш ишларини амалга ошириш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминланиши инobatга олинганлиги.

е) Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Самарқанд ва Фарғона вилояти ёшлар сиёсати ва спорт бошқармаларига:

- Гимнастика марказларининг намунавий устави асосида Гимнастика марказларининг уставларини тасдиқлаш ҳамда белгиланган тартибда тегишли давлат хизматлари марказидан давлат рўйхатидан ўтказиш;

- Гимнастика марказларини Гимнастика спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаблари базасига жойлаштириш ҳамда мавжуд бино ва иншоотларни заруратга кўра реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва қурилиш ишларини амалга ошириш чораларини кўриш;

- замонавий инфратузилмани яратишда эҳтиёжга кўра қўшимча ер майдонларини Гимнастика спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабларига туташ ёки яқин ҳудуддан ажратиш юзасидан тегишлилигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳокимликларига таклиф киритиш;

- ҳудудларда, шу жумладан, олис ва чекка ҳудудларда аҳоли ўртасида спортнинг гимнастика турлари бўйича мусобақалар, спорт акциялари, ҳаваскорлик чемпионатларини ўтказишни тизимли йўлга қўйиш чоратadbирларини ишлаб чиқиш;

- Гимнастика марказлари ўқувчиларини турли спорт мусобақаларига, шунингдек, таълим оладиган умумий ўрта таълим мактабларига олиб бориш ва олиб келишда қулайлик яратиш мақсадида тегишлилигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари маҳаллий бюджетлари ҳамда уларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан Гимнастика марказларини Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган “Isuzu” автобуси билан таъминлаш бўйича таклиф киритиш вазифалари юклатилганлиги;

ё) Молия-иқтисодиёт бўлими (Д.Убайдуллаев)га Гимнастика марказларини халқаро стандартларга мувофиқ замонавий жиҳоз ва инвентарлар ҳамда зарур ўқув-методик адабиётларни билан таъминлаш учун зарур бўладиган маблағлар 2024 йил учун Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминлаш вазифалари юклатилганлиги;

ж) Юридик бўлими (Ш.Каримов) вазирлик томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштириш чораларини кўриш вазифаси юклатилган.

3. Бош юрисконсулт (Э.Туреев)га;

- Гимнастика марказларининг намунавий устави асосида Гимнастика марказининг уставларини тасдиқлаш ҳамда белгиланган тартибда тегишли давлат хизматлари марказидан давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

4. Инвестиция дастурлари ва инфратузилмари бўйича бош мутахассиси (П.Серимбетов)га;

- Гимнастика марказини Гимнастика спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби базасига жойлаштириш ҳамда мавжуд бино ва иншоотларни

заруратга кўра реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва қурилиш ишларини амалга ошириш чораларини кўриш;

- замонавий инфратузилмани яратишда эҳтиёжга кўра қўшимча ер майдонларини Гимнастика спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабига туташ ёки яқин ҳудуддан ажратиш юзасидан тегишлилигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига таклиф киритиш вазиффалари юклатилсин.

5. Оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш шўъбаси бошлиғи (И.Кудияров)га;

- ҳудудларда, шу жумладан, олис ва чекка ҳудудларда аҳоли ўртасида спортнинг гимнастика турлари бўйича мусобақалар, спорт акциялари, ҳаваскорлик чемпионатларини ўтказишни тизимли йўлга қўйиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилсин.

6. Марказлаштирилган бухгалтерия хизмати шўъбаси бошлиғи (З.Уразимбетова) ҳамда Хўжалик ишлари бўйича иш юритувчи (Ф.Хожанов)ларга;

- Гимнастика маркази ўқувчиларини турли спорт мусобақаларига, шунингдек, таълим оладиган умумий ўрта таълим мактабларига олиб бориш ва олиб келишда қулайлик яратиш мақсадида тегишлилигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий бюджетлари ҳамда уларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан Гимнастика марказини Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган “Isuzu” автобуси билан таъминлаш бўйича таклиф киритиш вазифаси юклатилсин.

7. Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми шўъбаси етакчи мутахассиси (Б.Толибоев)га:

- мазкур буйруқ билан Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг тегишли бўлимларига ва вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларига юбориш вазифаси юклатилсин.

8. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир в.в.б



А.Алланазаров